

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АМОНОВ АМИНЖОН ШАВКАТОВИЧ

**СЕНСОНЕВРАЛ ЭШИТИШ ЗАИФЛИГИНИ КЛИНИК-НУРЛИ
ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)

Амонов Аминжон Шавкатович

Сенсоневрал эшитиш заифлигини клиник-нурли таъхислаш ва жарроҳлик давосини такомиллаштириш..... 3

Амонов Аминжон Шавкатович

Клинико-лучевая диагностика и совершенствование хирургического лечения сенсоневральной тугоухости..... 25

Amonov Aminjon Shavkatovich

Clinical-radiation diagnostics and improvement of surgical treatment of sensorineural hearing loss..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АМОНОВ АМИНЖОН ШАВКАТОВИЧ

**СЕНСОНЕВРАЛ ЭШИТИШ ЗАИФЛИГИНИ КЛИНИК-НУРЛИ
ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib333 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tsdі.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Кузовков Владислав Евгеньевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Расмий оппонентлар:

Арифов Сайфитдин Сайдазимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Еугениюс Лесинкас
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Литва)

Шамснев Джахангир Фазлитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Вена тиббиёт университети (Австрия)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (99871) 230-20-73.

Диссертация автореферати 2021 йил « ___ » _____ тарқатилди.
(2021 йил « ___ » _____ даги № ___ рақамли тарқатиш баённомаси реестри).

Н.К.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А. Абдукаюмов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолиси ўртасида эшитиш қобилиятини йўқотган 430 миллион киши мавжуд бўлиб, уларнинг 34 миллиони болалардир. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга келиб 700 миллиондан ортиқ одам эшитиш қобилиятини чуқур йўқотишдан азият чекади, бунда сенсоневрал зарарланишлар устунлик қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...аҳолининг 4-7% эшитиш фаолияти бузилганлигидан азият чекади: катталар орасида 1000 кишига- 17,6, болалар орасида 1000 кишига- 1,2 ...».¹ Сенсоневрал эшитиш заифлигини (СЭЗ) жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва уларни тиббиёт амалиётига жорий этиш туфайли беморларнинг эшитиш ва нутқ реабилитацияси бўйича сезиларли ютуқларга эришилди. СЭЗнинг хусусан эрта болалик даврида ривожланиши нутқ, интеллектуал ва психоэмоционал шаклланишнинг иккиламчи кечикишига олиб келиши касалликнинг келиб чиқиш омилларини аниқлашни ва жарроҳлик йўли билан даволаш масалаларини эрта ҳал қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда СЭЗни ташхислаш ва жарроҳлик усуллари билан даволашнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада СЭЗ билан касалланган беморларни ўз вақтида ташхислаш; СЭЗнинг ривожланиши омилларини аниқлаш; СЭЗни жарроҳлик усули билан даволашга беморларни тайёрлаш; СЭЗни жарроҳлик йўли билан эрта даволаш; кохлеар имплантация бажариш усуллари билан самарадорлигини аниқлаш; ёндош ўрта кулоқ хасталиклари ва ички кулоқ ривожланиш нуқсонларида кохлеар имплантация усуллари такомиллаштириш; кохлеар имплантациянинг жарроҳлик ўтказилиши пайтидаги ва жарроҳликдан кейинги асоратларининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш; жарроҳликдан кейинги реабилитация босқичида кохлеар имплантациянинг самарадорлигини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, турли касалликларни эрта ташхислаш ва башоратлаш ҳамда уларнинг асоратлари частотасини аҳоли орасида камайтиришга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор, молекуляр-генетик ташхисотни, скрининг ва саломатлик мониторингининг замонавий усуллари жорий этишга қаратилмоқда, чунки уларнинг асосий мақсади «...юқори технологияларни, жумладан, микрожарроҳлик ва кам инвазив педиатрияни тадбиқ этиш, тиббий хизматни янада яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни эрта парваришлаш дастурларини амалга ошириш, бемор болаларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш...»². 2017-

¹ ЖССТнинг йиллик ҳисоботлари

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш мақсадида «...ихтисослаштирилган ёрдамнинг қулайлиги ва сифати, тез тиббий ёрдам ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш ...»³га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Сенсоневрал эшитиш заифлигини клиник-нурли ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассалари, жумладан: Калифорния университетининг оториноларингология, бош ва бўйин жарроҳлиги бўлими (АҚШ), Вашингтон университетининг оториноларингология, бош ва бўйин жарроҳлиги бўлими (АҚШ), Мэйо клиникасининг оториноларингология, бош ва бўйин жарроҳлиги бўлими (АҚШ), Хаус институтининг кулоқ клиникаси (АҚШ), Шарите университети клиникасининг оториноларингология бўлими (Германия), Мейер болалар шифохонасининг оториноларингология бўлими (Италия), Кембридж университети клиникасининг кулоқ, бурун ва томоқ касалликлари бўлими (Буюк Британия), Антверпен университети шифохонасининг оториноларингология, бош ва бўйин жарроҳлиги бўлими (Бельгия), Варшава тиббиёт университетининг оториноларингология бўлими (Польша), Эшитиш физиологияси ва патологияси институти (Польша), Ёнсе университети тиббиёт колледжининг оториноларингология бўлими (Жанубий Корея), Болалар тараққиёти ва саломатлиги миллий маркази (Япония), Тель-Авив университетининг оториноларингология, бош ва бўйин жарроҳлиги бўлими

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони

⁴www.childrensnational.org; www.yonsei.ac.kr; www.ucsf.edu; www.unife.it; www.ufmg.br; www.uog.edu.et; www.washington.edu.

(Исроил), Сингапур миллий университети шифохонасининг оториноларингология, бош ва бўйин жарроҳлиги бўлими (Сингапур), Гази университети тиббиёт факультетининг оториноларингология бўлими (Туркия), Оториноларингология миллий тиббий тадқиқот маркази (Россия), Санкт-Петербург кулоқ, томоқ, бурун ва нутқ илмий тадқиқот институти (Россия), Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда сенсоневрал эшитиш заифлигини клиник-нурли ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: сенсоневрал эшитиш заифлиги ривожланишининг генетик омиллари аниқланган (National University Hospital of Singapore, Сингапур); сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карликни даволашда кохлеар имплантациянинг самарадорлиги асосланган (The Mayo Clinic, АҚШ); ички кулоқ аномалиялари мавжуд беморларда кохлеар имплантация жарроҳлигини бажариш усуллари такомиллаштирилган (Gazi University Faculty of Medicine, Туркия); чиғаноқ оссификацияси мавжуд беморларда компьютер томографияси ва магнит-резонанс томографиянинг аҳамияти асосланган (Cambridge University Hospitals, Буюк Британия); сенсоневрал эшитиш заифлигини даволашда кохлеар имплантациянинг жарроҳлик вақтидаги ва жарроҳликдан кейинги айрим асоратлари аниқланган (Meyer Children's University Hospital, Италия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида сенсоневрал эшитиш заифлигини клиник-нурли ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: сенсоневрал эшитиш заифлиги ривожланишини эрта ташхислаш усуллари такомиллаштириш; ички кулоқ аномалиялари ва чиғаноқ оссификациялари мавжуд беморларда кохлеар имплантацияни ўтказиш имконини берувчи махсус имплантларни ишлаб чиқиш; ўрта ва ички кулоқ патологиялари мавжуд беморларда қўлланиладиган кохлеар имплантация усуллари такомиллаштириш; кохлеар имплантациянинг жарроҳлик ўтказилиши пайтидаги ва ундан кейинги асоратларининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда СЭЗ кенг тарқалган касаллик бўлиб, 1000 та туғилган чақалоқдан 1 таси бутунлай қар бўлиб туғилади, ҳаётининг биринчи 2-3 йилида яна 2-3 та бола эшитиш қобилиятини йўқотади (Таваркиладзе Г.А. ва бошқ., 2012). Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар томонидан эшитиш бузилишларининг туғма, ирсий ва орттирилган шакллари ўзаро фарқлаш мезонлари, ташхислаш ва даволаш усуллари дифференциал ёндашувлар ўрганилган. Сўнгги йилларда эшитиш бузилишларининг оғир даражалари ва карликни даволашдаги ягона жарроҳлик усули – кохлеар имплантация амалиётини бажарилиши ва ушбу амалиётдан кейинги даврдаги эшитиш-нутқ реабилитациясини мукаммаллаштириш муаммолари ҳам илмий рисолаларда кенг ёритилмоқда.

Кўпгина муаллифлар болаларда СЭЗнинг молекуляр-генетик хусусиятлари, ташхисоти ва даволаниши ҳақида етарлича маълумотлар беришган (Джемилева Л.У. ва бошқ., 2006; Глазников Л.А. ва бошқалар, 2012; Лазарева Л.А., 2013; Лалаянц М.Р., 2014; Арифов С.С., 2020). Н.Ж.Хушвақованинг тадқиқоти (2016) болалардаги сенсоневрал эшитиш заифлигининг ривожланишида ген-хромосома ва ирсий омилларнинг таъсирини аниқлашга бағишланган бўлиб, муаллиф томонидан касалликнинг носиндромал шакллари олдани олиш чоралари ишлаб чиқилган, шунингдек, уларни ташхислаш ва башорат қилиш алгоритми таклиф этилган. Г.С.Ҳайдарованинг (2016) изланишларида сенсоневрал эшитиш заифлиги ривожланишининг турли этиопатогенетик омилларини аниқлаш асосида дифференциал ташхислаш омиллари ва эшитув аппаратларининг электрон дастурларини қўллаган ҳолда реабилитациялаш усуллари ишлаб чиқилган.

СЭЗ билан касалланган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш республика учун тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифадир. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этиш СЭЗ туфайли иккиламчи кечикишли нутқ ривожланишининг олдани олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. СЭЗ ривожланишининг патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш усулларига бағишланган кўплаб тадқиқотларда муаммо ўз ечимини топган бўлсада, касалликнинг клиник ва этиологик омилларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва даволашда самарали усулларни ишлаб чиқиш, СЭЗнинг клиник-нурли хусусиятларини баҳолаш, кохлеар имплантациянинг жарроҳлик босқичи бажарилишида ва ундан кейинги даврдаги асоратларни таҳлил қилиш, асоратларни бартараф этиш йўллари тизимлаштириш муаммолари бугунга қадар долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ, №0111362 ППИ-10 «Касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг янги технологияларини ишлаб чиқиш ҳисобига аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» давлат дастури доирасида амалга оширилган (2016-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади сенсоневрал эшитиш заифлигининг комплекс ташхисотини такомиллаштириш ва клиник-нурли текширувлар натижалари асосида кохлеар имплантация самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик ривожланишининг клиник-этиологик омиллари хусусиятларини аниқлаш;

болалардаги ўрта ва ички қулоқ патологияларида чакка суягини структуравий хусусиятларини аниқлаш ва интраоператив топилмалар билан қиёсий баҳолаш;

болалардаги IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карликда ўрта ва ички кулоқ патологиясида кохлеар имплантациянинг усулларини такомиллаштириш;

болалардаги IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карликда ўрта ва ички кулоқ патологиясида қўлланиладиган кохлеар имплантация усулларининг самарадорлигини аниқлаш;

кохлеар имплантациянинг жарроҳлик ўтказилиши пайтидаги ва ундан кейинги асоратларини баҳолаш, уларни коррекциялаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш;

болаларда кохлеар имплантацияни режалаштиришда ўрта кулоқ патологияси ва ички кулоқ аномалияларида сенсоневрал эшитиш заифлигини даволаш-ташхислаш чора-тадбирлари стандартини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йилларда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида даволанган 1 ёшдан 5 ёшгача сенсоневрал эшитиш заифлиги IV даражаси ва карлик бўлган 400 нафар болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик бўлган болаларнинг оториноларингологик, аудиологик, компьютер-томографик, магнитли-резонанс, интраоперацион функционал маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, оториноларингологик, эндоскопик, аудиологик, жарроҳлик пайтидаги махсус, мультиспирал компьютер томографияси, магнитли-резонанс томографияси, сурдопедагогик, психоневрологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сенсоневрал эшитиш заифлигида клиник-нурли текширишлар комплекси натижаларига таяниб кохлеар имплантация жарроҳлиги бажарилиш томонини танлаш асосланган;

илк бор ички кулоқ мультиспирал компьютер ва магнитли-резонанс томографияси натижалари ёрдамида кохлеар имплантнинг киритилиш чуқурлиги ва фаол электрод занжири тури аниқланган;

илк бор болаларда ўрта кулоқнинг экссудатив отити ва сурункали йирингли ўрта отити билан биргаликда кечувчи сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карликда кохлеар имплантациянинг самарадорлиги исботланган;

илк бор кохлеар имплантация қилинган болаларнинг чакка суяклари тузилишининг клиник-анатомик хусусиятларининг қиёсий таҳлили ўтказилиб, ички кулоқ тузилмалари учун орқа кохлеостомани ўрнатиш ва чиғаноқ дарча мембранасининг олдинги қисмлари орқали ноғора нарвонига киришнинг хавфсизлиги исботланган;

илк бор болаларда ўрта ва ички кулоқнинг турли патологияларида IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карликни жарроҳлик йўли билан даволаш усулларининг самарадорлиги исботлаган;

илк бор IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик бўлган болаларда кохлеар имплантациянинг жарроҳлик вақтидаги ва жарроҳликдан

кейинги асоратлари тизимлаштирилган ва даволаш усуллари самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик бўлган болаларда кохлеар имплантациянинг юқори самарадорлиги исботланган;

чакка суякларининг мультиспирал компьютер ва магнитли-резонанс томографияси пайтида топилган лабиринтнинг индивидуал тузилиш хусусиятлари имплантнинг электрод занжирини киритиш учун чиғаноқ гажакларининг ўтказувчанлиги мавжудлигини башорат қилиш имконини бериб, электрод панжара турини танлашга ёрдам берадиган аниқ маълумотларни тақдим этган;

ўрта кулоқнинг экссудатив отити билан бирга кечган сенсоневрал эшитиш заифлигида кохлеар имплантацияни амалга ошириш, айниқса педиатрик амалиётда операциядан кейинги комплекс консерватив тадбирлар зарурлигини кўрсатиб, сурункали йирингли ўрта отитнинг сўнгган даврида тимпанопластика ва кохлеар имплантацияни биргаликда бажарилиши ички кулоқда ўтказиладиган жарроҳлик аралашувнинг хавфсизлигини таъминлаши аниқланган;

кохлеар имплантацияда кузатиладиган интраоператив ва жарроҳликдан кейинги асоратларни тизимлаштириш ва уларни бартараф этишнинг ишлаб чиқилган усуллари жорий этиш IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик бўлган болаларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг юқори натижадорлигини таъминлаши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, оториноларингологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик ривожланишининг клиник-этиологик омиллари бўйича олинган маълумотлар ва клиник-аудиологик ҳамда нурли текширувлар натижалари эшитиш аъзоси оғир шикастланган болаларни муваффақиятли ташхислаш ва жарроҳлик реабилитацияси учун асос бўлган бир қатор муҳим мезонларларни аниқлашга, шунингдек профилактик чора-тадбирларни режалаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ички ва ўрта кулоқнинг анатомик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кохлеар имплантациянинг таклиф қилинган ва синовдан ўтган шакллари юқори технологияли жарроҳлик учун болаларни танлашда аниқ таклифларни киритиш, жарроҳлик босқичини ўтказиш ва башорат қилинган асоратларни бартараф этиш учун

асос бўлади, бу эса беморларда эшитиш ва нутқ реабилитацияси самарадорлигида муҳим аҳамиятга эгадир. Олинган натижалар сенсоневрал эшитиш заифлиги бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни таъминлайди, ҳаёт сифатини яхшилади ва умумий ногиронлик кўрсаткичларини камайтиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сенсоневрал эшитиш заифлигини клиник-нурли ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сенсоневрал эшитиш заифлиги мавжуд беморларни ташхислаш ва даволаш усуллари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сенсоневрал эшитиш заифлигини олиб бориш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8н-р/646-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик ривожланишининг клиник-патогенетик омилларини ўрганиш, эрта ташхис қўйишни оптималлаштириш, касаллик кечишини башорат қилиш ва амалга оширилаётган даволаш тадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

кохлеар имплантацияга номзод болаларни комплекс текшириш натижалари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Кохлеар имплантацияга номзод болаларни комплекс текшириш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8н-р/647-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик диагностикаси ва даволашни оптималлаштириш, кохлеар имплантациянинг жарроҳлик босқичидаги асоратлар сонини камайтиришга хизмат қилган;

ички кулоқ ривожланишидаги аномалияларда ўтказилган кохлеар имплантация жарроҳлик усуллари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ички кулоқ ривожланишидаги аномалияларда кохлеар имплантацияга тайёргарлик кўриш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8н-р/648-сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома ички кулоқ ривожланишидаги аномалияларда сенсоневрал эшитиш заифлигини жарроҳлик йўли билан самарали даволаш ва ўз вақтида тиббий-ижтимоий реабилитация натижаларини оширишга хизмат қилган;

сенсоневрал эшитиш заифлигини клиник-нурли ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Қашқадарё вилоят болалар болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, «Happy Life Medical Centre» клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н-д/10-

сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик ташхисоти ва давоси сифатини ошириш, жарроҳликлар асоратлари сонини ва ногиронлик даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация материаллари асосида 21 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 13 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 166 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга татбиқ этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сенсоневрал эшитиш заифлиги ҳақида замонавий тушунча. Сенсоневрал эшитиш заифлиги бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш усуллари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, сенсоневрал эшитиш заифлиги эпидемиологияси бўйича замонавий адабиётларнинг маълумотлари батафсил кўриб чиқилган, СЭЗнинг энг кенг тарқалган сабаблари бўйича статистик маълумотлар келтирилган. Этиопатогенез, эшитиш анализатори фаолиятини ўрганиш усуллари, юқори технологияли операция - кохлеар имплантацияга кўрсатмалар ва унинг мумкин бўлган асоратлари ҳақида илмий маълумотлар келтирилган. Адабиётларни таҳлил қилишда этиопатогенезнинг айрим жиҳатлари, жарроҳлик даволаш усуллари ва уларнинг асоратларини қўшимча ўрганишни талаб қиладиган ҳолатлар етарлича баҳоланган.

Диссертациянинг «**IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик бўлган беморларни текшириш материали ва усуллари**» номли иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, IV даражали СЭЗ ва карлик билан оғриган болаларни текширишнинг асосий усуллари, хусусан, уларнинг касаллик тарихи ўрганилган,

оториноларингологик текширув (отоскопия, олд ва орқа риноскопия, орофарингоскопия, бурун ва бурун-ҳалқумнинг эндоскопияси, отоэндоскопия, отомикроскопия), чакка суякларнинг мультиспирал компьютер томографияси(МСКТ), мия ва ички қулоқнинг магнитли-резонанс томографияси(МРТ), бош миянинг электроэнцефалографияси(ЭЭГ) натижалари баён этилган. Аудиологик текширув ўз ичига тонал бўсаға аудиометрия, акустик импедансометрияни ўтказиш, чақирилган отоакустик эмиссияни ва эшитиш орқали чақирилган мия потенциалини қайд қилишни олади. Кохлеар имплантнинг имплантация қилинадиган қисмининг операция вақтидаги мониторинги электр билан қўзғатилган узанги мушаклари рефлексини (ESRT) ва электр стимуляциясига автоматик таъсир потенциалини (ART) қайд этиш билан ўтказилди. Тадқиқотда турли хил этиологияли IV даражали СЭЗ ва ёки карлик бўлган, 2014-2018-йилларда ЎзРССВ РИПИАТМнинг “Туғма ва орттирилган ЛОР касалликлари” бўлимида стационар даволанишга ётқизилган 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган 400 нафар бола иштирок этди.

400 нафар текширилган болаларнинг 1-3 ёшдагилари 175 нафарни (43,75%), 4-5 ёшлилари - 225 нафарни (56,25%) ташкил этди. Ўғил болалар - 241 нафар (60,25%), қиз болалар - 159 нафар (39,75%). Операция қилинган 400 та бемордан ўнг қулоқ кохлеар имплантацияси 298 та (74,5%) болада, чап қулоқ кохлеар имплантацияси - 102 та (25,5%) болада ўтказилди.

Диссертациянинг «**IV даражали сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик бўлган бўлган болаларнинг клиник-аудиологик ва нурли тавсифи (шахсий тадқиқотлар натижалари)**» номли учинчи боби касалликнинг клиник ва патогенетик омилларини ўрганиш натижаларини тавсифлайди, IV даражали СЭЗ ва карлик билан оғриган болаларнинг оториноларингологик, аудиологик, нурли ва психоневрологик текширувлари маълумотларини тақдим этади.

СЭЗ нинг шаклланиш ва ривожланиш сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилишда текширилганларнинг 364 тасида (91%) эшитиш аъзоси патологиясининг ривожланишида роль ўйнаши мумкин бўлган омилларни аниқлаш мумкин бўлди. 36 та (9%) боланинг ота-оналари қулоқ касалликлари ривожланишининг сабабларини кўрсата олмадилар. СЭЗ нинг туғма шакли ташхиси 217 нафар (54,25%) беморга, орттирилган шакли ташхиси - 183 нафар (45,75%) беморга қўйилди. Бу гуруҳга, шунингдек, СЭЗ келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган болалар ҳам киритилди.

СЭЗ бўлган 400 нафар боладан 67 тасида (16,75%) оғир даражали эшитиш заифлиги ва карликка ирсий мойиллиги мавжуд эди. 19 нафар (4,75%) боланинг ота-онаси кар ва соқов (отаси, онаси, бобоси, бувиси) бўлган. Шуни таъкидлаш керакки, 36 та (9%) оилада иккинчи, учинчи ва тўртинчи болаларда оғир сенсоневрал эшитиш заифлиги ва карлик мавжуд эди. Текширилган контингентдан 70 нафари (17,5%) яқин қариндошлар никоҳидан туғилганлар эди. СЭЗнинг туғма шакли бўлган болаларнинг

оналарида ҳомиладорликнинг кечишини ўрганиш шуни кўрсатдики, 81 нафар (20,25%) она, айниқса ҳомиладорликнинг биринчи триместрида, турли хил вирусли ва бактериал инфекциялар билан касалланган, 74 тасида (18,5%) қонда цитомегаловирус инфекцияси аниқланган, 56 таси (14%) анемия (Hb даражаси 90 г/л дан паст), 43 тасида (10,75%) нефропатия билан эрта токсикоз кузатилган ва 66 та (16,5%) онада сенсоневрал эшитиш заифлиги келиб чиқиши учун икки ёки ундан ортиқ хавф омиллари мавжуд бўлган.

1-жадвал

Касалликнинг туғма шакли бўлган болаларда ҳаёт анамнезига кўра сенсоневрал эшитиш заифлиги ривожланишининг мумкин бўлган сабаблари

Хавф омиллари	Текширилган болалар сони	
	Мутлақ	нисбий %
Оналардаги камқонлик	56	14,0
Нефропатияли токсикозлар	43	10,75
Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ	70	17,5
Ирсий мойиллик	67	16,7
Икки ёки ундан ортиқ хавф омилларининг мавжудлиги	66	16,5
Чала туғилиш	52	13,0
Ҳомилани узоқ кўтариш	14	3,5

1-жадвалдан кўриниб турибдики, туғма сенсоневрал эшитиш заифлиги ривожланишининг мумкин бўлган этиологик хавф омиллари яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ (17,5%) ва ирсий мойилликда (16,7%) бўлган. Шуни таъкидлаш жоизки, 149 нафар (37,25%) болада Кортиев аъзосини тукли хужайраларининг шикастланишига 2 та ёки ундан ортиқ кўшма омиллар сабаб бўлган. Сенсоневрал эшитиш заифлигининг орттирилган шакли ривожланиш хавфининг мумкин бўлган сабаблари 2 та ёки ундан ортиқ сабабчи омилларнинг мавжудлиги, туғилгандан кейин боланинг вирусли касалликлари ва ототоксик дориларни қўлланилиши бўлди. СЭЗ бўйича текширилган 36 та боланинг (9%) ота-оналари эшитиш органининг шикастланишини ҳеч нарса билан боғламадилар.

Болаларда орттирилган СЭЗ ва карлик ривожланишига сабаб сифатида ота-оналар бола ўтказган вирусли касалликларни, шу жумладан 84 та (21%) болада ўткир респиратор вирусли инфекцияни, 31 та (7,75%) болада ўткир ичак инфекциясини, 27 та (6,75%) болада тутқаноқ синдромини, 22 та (5,5%) болада септик ҳолатларни, 14 та (3,5%) болада менингит ёки менингоэнцефалит, энцефалопатияни, 13 та (3,25%) болада бош суяги шикастланишини кўрсатдилар.

Сенсоневрал эшитиш заифлигининг орттирилган шакли бўлган болаларда ҳаёт анамнезига кўра касаллик ривожланишининг мумкин бўлган сабаблари

Хавф омиллари	Текширилган болалар сони	
	Мутлақ	нисбий%
Ототоксик препаратлар	95	23,75
Ўткир респиратор вирусли инфекция	84	21,0
Чақалоқларнинг гемолитик касаллиги	32	8,0
Ўткир ичак инфекциялари	31	7,75
Тутқаноқлар	27	6,75
Патологик туғруқлар	24	6,0
Септик ҳолатлар ёки сепсис	22	5,5
Менингит, менингоэнцефалит, энцефалопатия	14	3,5
Қалла суяги- мия жароҳатлари	13	3,25
Аниқланмаган омиллар	38	9,5

2-жадвалдаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бизнинг кузатишларимизда эшитиш анализатори шикастланишининг асосий сабабларидан бири, боланинг турли вирусли ва бактериал касалликлар билан касалланиши туфайли гентамицин, канамицин, амикацин каби ототоксик дориларни (23,75%), айниқса, чақалоқларда ва эрта ёшда, нутқ шаклланиши ва ривожланишидан олдин (прелингвал давр) асоссиз равишда қўлланилишидир.


Бурун ва ҳалқум эндоскопик текширилганда 145 та (36,25%) болада синуситнинг маҳаллий клиник белгилари, 142 тасида (35,5%) турли даражадаги аденоид вегетацияси, 58 тасида (14,5%) эса улар танглай бодомча безлари гипертрофияси билан бирга учраганлиги аниқланди. Отоскопия, эндоскопия ва отомикроскопияда 331 та (82,75%) болада манзара меъёрда бўлди, 39 та (9,75%) болада ноғора парда ранги сарғиш тусга эга бўлиб, у ўрта қулоқ экссудатив отитининг билвосита далили бўлиб хизмат қилди, 8 та (2,0%) болада ноғора парданинг тешиги борлиги, яъни сурункали йирингли ўрта отит аниқланди.

ЛОР аъзоларининг дастлабки текширув натижаларига кўра, аниқланган барча патологиялар бўйича беморларда дастлабки консерватив ёки жарроҳлик даволари ўтказилди. Синусит билан оғриган болаларда бурун ёндош бўшлиқлари санация қилинди, бу инъекция шаклидаги антибактериал препаратлар, Проект усули бўйича дори воситаларини юбориш, маҳаллий томир торайтирувчи томчилар, секретолитик ва иммунитетни оширувчи препаратлар, синупрет, антигистаминлар ва физиотерапевтик муолажаларни буюришдан иборат бўлди. Аденоид вегетациялари бўлган барча болаларда аденотомия операцияси ўтказилди. Ўрта қулоқнинг секретор отити ҳамда аденоидлар мавжуд бўлганда аденотомия ва бир вақтнинг ўзида ноғора бўшлиқни шунтлаш ўтказилди, кўшимча равишда кортикостероидлар,

муколитик ацетилцистеин ва антигистамин дорилари буюрилди. Бинобарин, болаларни КИ га тайёрлашнинг муҳим шarti - болаларни операциядан олдин тўлиқ текширувдан ўтказиш, ЛОР аъзоларидаги патологик жараёнларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш ҳисобланади.

Эшитиш ҳолатини баҳолаш ва эшитиш анализаторининг касалланиш даражасини аниқлаш шовқин изоляция қилувчи махсус аудиологик хоналарда, асосан, бола табиий уйқу ҳолатида бўлганда объектив тадқиқот усулларидадан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

4-5 ёшли эшитишни текширишга ишончли адекват жавоб бера оладиган 47 та (11,75%) болаларда тонал бўсағали аудиометрия ўтказилди. Текширув натижасида асосида аудиограммалар олинди: 10 та болада юқори ва ўрта частоталар диапазонида кескин пасайиш билан пастга тушувчи эгри чизиклар, 8 та болада ҳаво ва суяк ўтказувчанлигида юқори частота диапазонидаги эгри чизикларнинг узилиши, текширилганларнинг 36 тасида овоз баландлигининг тезлаштирилган феномени (ОБТФ) қайд қилинди. IV даражали СЭЗ бўлган болаларда тонал бўсаға аудиометрияси бўйича эшитиш бўсағалари ўртача 85,7 дБ ни, битта қулоқдаги мутлақ карлик билан қўшалок булганда ушбу кўрсаткич 90 дБ га тенг ва ундан юқори бўлди.



1-расм. Тонал бўсаға аудиометрияси. Бемор З.И., 5 ёш. Аудиограммада юқори частотали диапазонда эгри чизикларнинг пасайиши ва узилиши билан эшитиш фаолиятининг сенсоневрал пасайиши. Икки томонлама IV даражали сурункали сенсоневрал эшитиш заифлиги.

Импедансометрия иккита тестни - акустик қаршиликни ўлчайдиган тимпанометрияни, натижа тимпанограммада қайд этилади ва акустик рефлексометрияни ўз ичига олади. Ушбу тадқиқот 392 нафар болада ўтказилди, 8 та болада ноғора парданинг перфорацияси (тешилиши) борлиги туфайли импедансометрияни ўтказиш имкони бўлмади.

Тимпанограмма натижалари қуйидагича бўлди: текширилганларнинг умумий сонидан 146 та қулоқда тимпанограмманинг “А” тури бир томонлама қайд этилди, бу ўрта ва эшитиш найчасининг меъёрий ишлаши кўрсаткичи ҳисобланади, икки томонлама “А” тури 217 та болада кузатилди.

29 нафар болада тимпанограмманинг “В” тури икки томонлама қайд этилди.

СЭЗ бўлган ва СЭЗ билан секретор отит бўлган беморлар солиштирилиб, муҳим аудиометрик бўсаға кўрсаткичлари таҳлил қилинганда ўрганилаётган натижаларда сезиларли фарқ борлиги аниқланди. Секретор отит билан бирга кечган СЭЗда юқори частоталарда эшитишнинг чуқур йўқолиш чегараси $108,2 \pm 11,2$ Гц гача кузатилди, фақат СЭЗ бўлган беморларда эса худди шу даражада эшитиш чегараси $93,9 \pm 10,6$ Гц ни ташкил этди. Сенсоневрал эшитиш заифлиги ва ўрта кулоқ яллиғланиши бўлган болаларда, шунингдек ўрта ва ички кулоқ тузилмаларининг бир вақтнинг ўзида зарарланишида эшитиш қобилятининг элементлари жиддий шикастланганлиги аниқланди, бу таққосланаётган гуруҳлардаги статистик сезиларли фарқлар билан тасдиқланди ($p < 0,05$). Чақирилган ушланувчи отоакустик эмиссия (ЧУОАЭ) ва бузилган частотали отоакустик эмиссия (БЧОАЭ) ўтказилганда фақат 4 та (1%) болада (8 та кулоқ) 1-2, 2-3 ва 3-4 кГц частота диапазонларини қамраб олган ЧУОАЭ жавоби қайд этилди. Ушбу гуруҳдаги болаларда аудитор нейропатия бор эди.

Қолган 396 нафар болада ЧУОАЭ жавоби ҳам дастлабки ва ҳам такрорий текширувларда қайд этилди. Бунда барча частота диапазонларида ЧУОАЭнинг жавоби бутунлай бўлмади. БЧОАЭ маълумотлари, хусусан, тадқиқот гуруҳидаги 400 нафар болада унинг қайд этилмаганлиги эшитиш бузилишининг сенсоневрал генези устунлигини тасдиқлади.

400 та боладан 141 тасида (35,25%) тасвир шаклининг бузилиши, 198 тасида (49,5%) чўққилар орасидаги интервалларнинг ошиши, 284 тасида (71,0%) қисқа тўлқинли чақирилувчи эшитиш потенциалларини қайд қилиш (ҚТЧЭП) асосий компонентлари амплитудасининг III ва V тўлқинлар латентлиги сезиларли даражада ошган 4-туригача пасайиши, 126 тасида (31,5%) тўлқинлар кескин деформацияланган ёки йўқолгунча текисланган ҚТЧЭП ларнинг қайд этилиши кузатилди. Аудиометрик эгри чизик, эшитишнинг йўқолиш даражаси, овоз баландлиги ошиши феноменининг мавжудлиги ва ҚТЧЭП параметрларининг ўзгариши ўртасида аниқ боғлиқлик қайд этилди.

V тўлқиннинг амплитудаси тармоқдан максимал даражада мустақил бўлиб, V чўққиси қайд этилиш бўсағасининг ошиши 352 та (88,0%) болада, яширин даврларнинг узайиши ва тўлқинлар амплитудасининг пасайиши ҳам кузатилди. Олинган натижалар ҚТЧЭП нинг қайд маълумотлари кўпроқ ўрта ва юқори частота диапазонларида эшитиш ҳолатини акс эттиради деган умумқабул қилинган фикрларга тўлиқ мос келади.


Беморларни кохлеар имплантацияга тайёрлашнинг муҳим шароити чакка суяқларининг нурли структуравий хусусиятларини ўрганишдир. Чакка суяқларининг компьютер томографияси маълумотларини ўрганаётганда, биз электрод киритиладиган чиғаноқ дарчасининг жойлашувини ва чиғаноқ базал гажагининг ўтказувчанлигини аниқлашга, ҳамда ноғора нарвонига алоҳида эътибор қаратдик.

Чакка суяқларнинг МСКТ текшируви натижалари қуйидагиларни кўрсатди: 357 нафар (89,25%) болада сўрғичсимон ўсимтанинг пневматик, 43

нафар (10,75%) болада аралаш тури аниқланди. Юз нервнинг анатомик тасвири барча беморларда патологик ўзгаришларсиз эди. 11 та (2,75%) болада ноғора бўшлиқда бўйинтуруқ венаси пиёзчасининг юқори жойлашуви қайд этилди. Текширилган болаларнинг 62 тасида (15,5%) ўрта ва орқа мия чуқурчаси тубининг паст жойлашуви, 87 тасида (21,75%) сигмасимон синуснинг олдинроқ жойлашуви, 47 тасида (11,75%) ички кулоқ ривожланишидаги аномалиялар, 14 тасида (3,5%) чиғаноқ оссификацияси аниқланди. 29 та (7,25%) болада МСКТ текширувида сўргичсимон ўсимта ҳужайраларида секретор отитга хос патологик ажралма мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Беморларни кохлеар имплантацияга танлаш тамойиллари. Чакка суякларнинг нормал ва патологик ҳолатида кохлеар имплантация ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида болаларни КИга танлашнинг ўзига хос хусусиятлари, чакка суякларнинг нормал ва патологик ҳолатида, лабиринт тузилишининг аномалияларида, чиғаноқ оссификациясида, сурункали йирингли ўрта отитда КИ жарроҳлик босқичини бажариш ёритилган. 400 та операция қилинган болалардан 298 тасида (74,5%) ўнг кулоқда, 102 тасида (25,5%) чап кулоқда кохлеар имплантация ўтказилган. КИ ўтказишда 384 та (96,0%) беморда биз “классик” усулдан фойдаландик, 16 та (4%) болада кохлеар имплантациянинг комбинацияланган усулини қўладдик.

Ички кулоқ аномалияларини ўрганишда чиғаноқ аномалиялари 23 та болада (5,75%), ички эшитиш йўлининг аномалиялари - 15 та болада (3,75%), даҳлизнинг кенгайган оқаваси - 9 та болада (2,25%) аниқланди.




2-расм. Чиғаноқнинг икки томонлама II-тип нотўлиқ бўлиниш шаклидаги аномалиясида чакка суякларининг мултиспираль компьютер томографияси.

Чакка суякларининг мултиспираль компьютер томограммасида (2-расм) чиғаноқнинг икки томонлама II-тип нотўлик бўлиниш шаклидаги аномалияси стрелка билан кўрсатилган (Мондини аномалияси).

Чиғаноқ аномалияларида II-типдаги нотўлик бўлиниш (Мондини аномалияси) (21), I-типдаги нотўлик бўлиниш (1) ва умумий бўшлиқ (1) бўлганда операция амалга оширилди. КИ, шунингдек ички эшитиш йўлининг аномалияси бўлган 15 та болада ва дахлизнинг кенгайган оқаваси бўлган 9 та болада ўтказилди.

